



**ИНГЛИЗ, ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ЎЗБЕК ГАЗЕТА ТИЛИДА
МАЪНО КЎЧИШ ХОДИСАСИ: ЭКСПРЕССИВЛИК,
ЭМОЦИОНАЛЛИК ВА БАҲО**

Толбаева Алия Ондасыновна

Қарақалпоқ Давлат университети,

Чет тиллари факультети,

Катта уқитувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7861376>

ARTICLE INFO

Received: 16th April 2023

Accepted: 24th April 2023

Online: 25th April 2023

KEY WORDS

Матбуот, газета,
публицистика, баҳо,
образлилик, журналистика,
метафора

ABSTRACT

Тилшуносликда экспрессивлик ва ифодалилик тушунчаларини аниқлаш, мутаносиблаштириш хусусида ягона нуқтаи назарнинг йўқлиги туфайли улар ҳақида алоҳида-алоҳида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Айрим муаллифлардан фарқли ўлароқ, биз экспрессивлик ва ифодалиликни айнан бир хил ҳодиса дея олмаймиз. Фикримизча, экспрессивлик кенг маъноли ифодалилик таркибига киради. Нутқ сифатлари ифодалиликни адресат томонидан тўла қабул қилиш имконини беради. Публицистик нутқнинг ифодалилиги асосан экспрессия орқали намоён бўлади. Ушбу мақолада матбуот матнида маъно кўчиш орқали экспрессивликни таъминлаш усуллари борасида боради.

Таъсирчанликка эришиш ва унинг кучини оширишда сарлавҳалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар яна рекламаболик вазифасини ҳам ўтайди. Айнан уларнинг қизиқарли, диққатни ўзига тортувчи бўлиши ушбу нашр мухлисларининг кўпайишига хизмат қилади. Уларда янгича ифода, бошқа соҳаларда кўп ишлатилмайдиган синтактик қурилма ва бирикмаларнинг қўлланиши кузатилади.

Медиамаконда информативлик ва экспрессивлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Сўнгги вақтда ОАВ демократизацияси муайян даражада сезилганлиги ушбу алоқаларнинг мустақамланишига ёрдам бермоқда. ОАВда информатив материаллар кўпинча таъсирчанлигига кўра ёритилади. Натижада экспрессивлик (таъсирчанлик) кўшимча характердаги информативликка эга бўлади. Бир кишидан иккинчисига узатиладиган ҳар қандай ахборот, шубҳасиз, эксплицит ёки имплицит тарзда унинг ифодаланган баҳосини ўз ичига олади. Баҳолаш билан экспрессивлик (таъсирчанлик) ўхшаш тушунчалар эмас, лекин бир-бири билан чамбарчас боғланган тушунчалардир [1, 75].

Экспрессивлик деганда, тил ва нутқнинг шундай бирликлари тушуниладиги, бунда сўзловчи ёки ёзувчи нутқ мазмунига ёки суҳбатдошининг айтганларига нисбатан ўз муносабатини эмоционаллик, баҳолаш, образлилик, интензивлик каби категориялар орқали ифодалади [2, 867].



Экспрессив мақсадларда сўзлашувга оид сўз ва иборалардан газета матнларида фойдаланиш янгилик эмас ва бунга (вульгаризмлар ва ноцензуравий иборалар бундан мустасно) ҳеч қандай эътироз билдирилмайди. Буларнинг барчаси газета матнини экспрессияловчи (баҳоловчи, “интимлаштирувчи”, ҳиссийликни кучайтирувчи) “қонуний” воситалар сифатида намоён бўлади [3, 285].

Замонавий журналист-аналитик ўз фикрини билдиришда кўчма маънолардан фойдаланади ва бу сўз-образлар кўпинча жамият ҳаётидаги у ёки бу ҳодисаларни еритиш учун ишлатилади, бундай стратегиядан фойдаланиш бу жамоатчилик онгини манипуляция қилишга ёрдам беради ва шу билан бирга хабарга публицистик пафосни кўшади. Мана одатий мисол: *“террорчилик ҳаракатларини содир этишни ва ҳатто бирор нарса учун кимдандир ўч олмоқчи бўлганлар кўнайиб борапти”* ҳозирги вазиятни муаллиф жуда жадал тарзда тасвирляяпти.

Матбуот тили ифодалилигининг асосий факторини баҳолаш ва субъективлик. Газета муаллифнинг позициясини ўзида мужассам этган у ёки бу лексик воситаларни танлайди ҳамда публицистик матн нафақат фактларни тасвирлайди, балки муаллифларнинг мулоҳазалари ва фикрларини ўз ичига оладиган кайфиятни акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, журналистиканинг ушбу хусусиятини публицистик функционал услубнинг таъсир этувчи воситалари тоифасига киради.

Баҳоловчи лексика, киноя кесатиқли ёки жозибали мулоҳазалар нафақат журналистнинг ўз фикрини ифодалаш, балки ўқувчини ишонтириш учун ҳам яратилган. Улар ижтимоий стереотипларнинг шаклланишида етакчи рол ўйнайди. Баҳолаш публицистиканинг асосий услуб шакллантирувчи тамойили сифатида, биринчи навбатда, троплар – метафора, метонимия ва қиёслаш орқали амалга оширилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, метафора публицистик услубда манипуляция элементлари билан таъсир қилувчи функцияни амалга оширишнинг энг ёрқин ва самарали воситаларидан биридир.

Г.Я. Солганик маъқулловчи (мелиоратив) ва маъқулламайдиган (пейоратив) баҳолашнинг анъанавий фарқланишини конкретлаштиради ва тарғиботчи (ташвиқотчи) ёки полемист/иронист позициясига мос келадиган журналистнинг мақтовчи ва танқидий муносабатини фарқлашга таянади [4, 209].

Бошқа нутқ услубларига хос бўлган информацион функция публицистик услубда алоҳида аҳамиятга эга бўлади: бу ҳолда ўқувчига, илмий нутқда бўлгани каби, нафақат маълумот тақдим этилади, балки кўпинча ҳиссиётларга бой муаллифнинг шарҳлари ҳам берилиши мумкин. Журналист ўзи учун энг долзарб бўлиб кўринадиган ва аксарият ўқувчилар учун қизиқарли бўлган маълумотларни ёритишга интилади, илмий нутқда эса ҳодисанинг батафсил тавсифи муҳимроқ ҳисобланади.

Баҳоловчи метафора механизми шундан иборатки, муаллиф сўзни ўзига хос бўлмаган образли яъни метафорик маънода вазият ҳақидаги тасаввурини тўғридан-тўғри “юзига” эмас, балки ўқувчида маълум бирлашмаларни (ижобий ёки салбий) уйғотадиган усулда тақдим этади, бу эса тақдим этилган маълумотларга баҳо беришига таъсир қилади. Метафоралар одатда “янгилик” даражасига кўра бўлинади [5, 82].



Шундай қилиб, “реал” ёки “муаллифик” усулини ажратиб кўрсатиш мумкин: уларнинг маъноси метафорик, кўчма маъно сифатида яққол қабул қилинади ва уларни бироз бошқача тушунилади.

Кўриб турганимиздек, метафора ҳақиқатан ҳам барча оммавий ахборот воситалари тилининг, хусусан газета тилининг ҳам таъсир кўрсатиш воситалари арсеналининг ажралмас қисмидир. Бу журналистга ўз фикрини ва ёритилган масалага муносабатини кўзга ташланмайдиган усулда ифодалаш ва ўқувчига маълумотни ижодий тақдим этиш имконини беради: бу мақола муаллифига унинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, истеъдоди, одатий газета маркаларидан фойдаланиш ёки уларни кундалик ҳодисаларга янгича қарашга ёрдам берадиган янги оригинал метафорадан фойдаланиш имконини беради.

Метафора бирор жиҳатдан қиёслаш асосида ҳар қандай концепцияни белгилаш учун тилда илгари мавжуд бўлган сўз ёкиборани янгича маъно ифодалаш мақсадида қўллаш, аниқроғи, исмининг бир объектдан бошқасига ўхшашлик асосида кўчирилишидир. Бу таққослаш эски ва янги объектнинг умумий хусусиятларини аниқлашдан келиб чиқади.

Ижтимоий-сиёсий лексика бирликлари баҳолаш хусусиятига эга бўлиб, публицистиканинг асосий тушунчалари, мазмун-моҳияти, йўналишини ифода этади ва умуман, публицистик (газета) лексикадан фарқ қилмайди, унинг таркибига киради ва публицистик услуб газета тилининг ўзига хос жиҳати деб ҳисобланиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий лексика бирликлари баҳолашда қуйидаги кўчма маъно бирликлари кузатилди: *“Яқин-яқингача аёлларимизнинг ҳаёлига ҳам келмаган бундай улкан ишлар, аниқ натижалар уларнинг қалбида келажакка ишончни мустаҳкамлаб, жуда **катта руҳ ва иштиёқ** бағишламоқда”* (“Янги Ўзбекистон” 2022. 26.03). Ушбу мисолда **катта руҳ ва катта иштиёқ** кўчма маънода қўлланган, **катта** сифати аслида аниқ отларга нисбатан қўлланилади. Масалан: **катта бино**. Юқоридаги мисолда эса катта сўзи мавҳум от таркибида келиб, маънони кучайтиришга хизмат қилган ва услубий вазифага хосланган. Метафора асосида маъно кучайган.

Маълумки, газетага хос концептуал лексикада баҳолаш хусусиятининг ҳам ўзгариб туриши кўзга ташланади. Бундай бирликлар таркибида рўй бераётган семантик ўзгаришлар жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг бевосита акси сифатида намоён бўлмоқда, бу айниқса газета тилида сезиларли даражада намоён бўлишини кузатиш мумкин:

Бу борада сиёсий партиялар қошидаги «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда иш олиб борсақ, самараси яхши бўлади (“Янги Ўзбекистон”. 2022. 26.03). “Аёллар қаноти» ҳамда «Ёшлар қаноти» жумлалари орқали метафора асосида маъно кўчган. “Қанот” сўзи ўз маъносида қушнинг қанотига нисбатан ишлатилса, бу сўзни кўчма маънода қўллаш орқали аёллар ва ёшларнинг ривожланиб бораётганлиги назарда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ифода воситаси, айниқса, у эмоционал-экспрессив таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлса, вақт ўтиши билан ўз ифодалилик кучини йўқотади, ундаги баҳолаш хусусиятлари эса янгиланиш ёки ўзгартирилишга мойил бўлиб қолади. Бу кўчма маъноли сўзларда ҳам кузатилади:



“Ёшларни касб-хунарга йўналтириш масалаларига бағишланган **очиқ мулоқот** ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказишга **бош-қош бўлишимиз** керак” (“Янги Ўзбекистон”. 2022. 26.03). Ушбу мисолда “**Очиқ мулоқот**” - синекдоха қўлланган, қисм орқали бутун ифодаланган. “**Бош-қош**” ибора си орқали матнга қўшимча экспрессивлик берилган. Бунда инсон назарда тутилган, яъни назорат қилмоқ маъносида қўлланилган.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, андозавийлик ва экспрессия матбуот жанрларида турли даражада намоён бўлади. Масалан, ахборот жанрларида андозавий кўчма маънода сўзларни қуйидаги ткрлари кузатилди: “**Кеча «Муносиб меҳнат- барқарор жамият пойдеворидир» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди**” (Янги Ўзбекистон 2022. 26.03). “**Жамият пойдевори**” - метафора. Уйнинг пойдевори-ўз маъносида бўлса, жамият пойдевори - жамиятнинг асосий кучи, жамиятнинг асоси маъносида қўлланилган.

Бадий публицистикада таъсирчанлик устунлигини қуйидаги кўчма маъно ҳосил қилувчи сўзлардакузатиш мумкин: “**Томчида қуёш акс этади. Баъзан ҳаётини воқеа-ҳодисалар ихчам ифода этилса-да, мутолаа асносида қалбингизни фавқулотда ларзага солган ажойиб(етук) эпик асар асл сўз санъатининг чўққисига айланади. Яъни яхши ҳикоянинг ўзи улкан бир романдир**” (“Зарафшон”. 2022.24.03). “**Томчида қуёш акс этади**” метафора. Яъни ҳажман кичик бўлсада, маъно жиҳатидан инсонга жуда катта маънавий билим бера оладиган асар ҳақида ёзилган.

Экспрессивликни оширишда жаргонлардан фойдаланишда тилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати туғилади. Ўзбек тилидан фойдаланувчилар учун жаргонларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, лекин салбий ҳолатларни беришда улардан меъёрида фойдаланиш мумкин.

“**Бундай аччиқ қисматнинг захарли шаробларини Бобур Мирзодан қўп тотган одам кам топилади.**” (Янги Ўзбекистон 2022. 15.02)

Келтирилган мисолларда келиб чиқишига кўра кўчма маъно ҳодисаси муаллиф мақсадига кўра матнга керакли экспрессив-баҳоловчи оҳангдорлик олиб киради ва бу медиамаконда медиа тилининг миллийлик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қўлланилади: Ҳиндларнинг суворий, пиёда ва миндан ортиқ жанговар фили, жами 150 минглик лашкари билан бўлажак жанг Бобурнинг ҳарбий санъати ва тафаккуридаги **дахолик қирраларини очиб берди.** (Янги Ўзбекистон 2022. 15.02)

Даҳолик қирраларини очиш- бу мисолда **метафора** усулида маъно кўчган. Бирор жисмнинг қирраси- ўз маъносида бўлса, даҳоликнинг қирралари-кўчма маънода, яъни даҳоликнинг сир асрорлари, синоатларини ошиш маъносида қўлланган.

Замонавий газетада экспрессив контекстлар яратишда охириги пайтларда кўчма маъно трансформацияси, турли хилдаги сўз ўйинлари ва б. қўлланилади:

“**Бугунги глобал иқлим ўзгариш даврида тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора ўткир муаммога айлнаиб бормоқда**” (“Жамият”. 2022.18.08). “**Ўткир**” сўзи кесувчи жисмларга нисбатан қўлланади, масалан ўткир пичоқ каби. Муаммо эса ҳал этилиши лозим бўлган иш. Муаммога нисбатан ўткир сўзининг қўлланилишида эса ҳал этилиши лозим бўлган муаммонинг ўта муҳимлиги назарда тутилган. Метафора усулида маъно кўчиши юз берган.



Умуман олганда, бадийий-тасвирий ифодалар, улардан моҳирона фойдаланиш уларни усталик билан ўзаро бириктириш – бу янгилик ҳиссини уйғота олишни ўз ичига олади. Ҳар қандай ифода воситаси, айниқса, агар у эмоционал-экспрессив таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлса, вақт ўтиши билан ўз ифодалилик кучини йўқотади, ундаги баҳолаш хусусиятлари эса янгиланиш ёки ўзгаришга мойил бўлиб қолади. Қўйидаги мисолларда шу ҳолатни кузатиш мумкин.

References:

1. Клушина Н.И. Публицистический текст в прагматическом аспекте // Язык массовой и межличностной коммуникации. – М.: Медиа Мир, 2007. –С.75.
2. Москвин В.П. Выразительные средства современной русской речи, тропы и фигуры. Терминологический словарь. – М.: Феникс, 2007. – С. 867.
3. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Часть 2. – М.: Из-во Моск. ун-та, 2004. – С. 285.
4. Солганик Г. Я. Автор как стилеобразующая категория публицистического текста // Синтаксическая стилистика. М., 2006. С. 202–211. _
5. Ковалевская Е.В. МЕТАФОРА И СРАВНЕНИЕ В ПУБЛИЦИСТИЧЕСКОМ ТЕКСТЕ. ФИЛОЛОГИЯ. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова. № 3, 2009. – С.80-85.